



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ МАСАЛАЛАРИ

Дусмурат Наркулов

Сухроб Наркулов

Фарида Умарова

Профессор, Тошкент тиббиёт академияси,

E-mail: dostmurod.norqulov8195@gmail.com Тошкент, Ўзбекистон

Профессор, Тошкент тиббиёт академияси,

E-mail: suxrob.norqulov6623@gmail.com Тошкент, Ўзбекистон

Фалсафа доктори (PhD), Тошкент тиббиёт академияси,

E-mail: ufarida6531@gmail.com Тошкент, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11203278>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-May 2024 yil

Ma'qullandi: 10-May 2024 yil

Nashr qilindi: 16-May 2024 yil

KEY WORDS

глобаллашув, мерос, тарихий-
маданий мерос, моддий -
маданий мерос, миллий -
маданий тараққиёт, оммавий
маданият, этномаданият..

ABSTRACT

Мақолада глобаллашувнинг ўзига хос зиддиятли хусусиятлари ва уларнинг тарихий-маданий меросга, этномаданиятга таъсири, глобаллашув жараёнларида тарихий-маданий меросни асраш масалалари ўрганилган.

Бугун глобаллашув тўғрисида турли фикрлар билдирилмоқда. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки глобаллашув барчанинг, ҳар бир шахснинг нафақат бугунги, шунингдек, келажаги билан ҳам боғлиқ масалаларга бориб тақалмоқда. Интеграцияни реал воқелик сифатида эътироф этган 70 йиллар авлоди бугун уни глобаллашувнинг дастлабки босқичи сифатида қарамоқда [1.]. Ж.Гелбрайт, З. Бзежинский, И.Валлерстайн, А.Этциони, Э.Гидденс, И.Бестужев Лада, А.Зиновьев каби тадқиқотчиларнинг асарларида асосий эътибор интеграцияга қаратилади ва айнан ушбу омил мамлакатларда модернизациялаштиришни, демократик ўзгаришларни келтириб чиқараётгани таъкидланади. Тўғри, баъзи мутахассислар ва журналистлар уни американизм ва европоцентризм билан боғлашади, айнан ушбу субъектларни глобаллашувнинг бош ташкилотчилари сифатида қайд этишади. Глобаллашувнинг илмий назарий ва фалсафий масалалари кўпроқ АҚШ ва Европа олимлари томонидан тадқиқ этилмоқда. Масалан, Питер Л.Бергернинг ёзишича, бугунги глобаллашаётган дунё американдир. Аммо “Қўшма Штатлар ўз маданиятини бошқа мамлакатларга мажбурлаб киритмайди... Дунёдаги миллионлаб кишилар, инглиз тилида гаплашиб, ундан халқаро мулоқот воситаси сифатида фойдаланганларида, аввало амалий тасаввурлардан келиб чиқадилар. Ёш хитойликлар сайёҳлар билан инглиз тилида гаплашишга интилганларида, асло Шекспир ёки Фолькнерни оригиналда ўқишга интилмайдилар, балки Интернетда фойдаланиш ва имкони борида яхши иш топиш ниятида қиладилар” [2. – С. 2.].

Глобаллашув шундай зиддиятли воқеликки, унда бир томондан, халқлар,

қитъалар, давлатлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни кенгайтириш, изчил олиб бориш, ҳар бир ҳудудда эришилган ёки мавжуд тарихий-маданий ютуқларни оммалаштириш, умуминсоний миқёсда тарғиб этиш имкони мавжуд бўлса, иккинчи томондан, миллий маданиятнинг сиқиб чиқарилиши, этномаданий тажрибаларни менсимаслик ёки нигилистча рад этиш, демократия байроғи остида ғайриинсоний ва ғайриахлоқий нарсаларни ҳам ёйиш, ОАВ лари орқали гегемонизмни тарғиб этиш кабилар учрайди. Мазкур зиддиятли томонларни илмий техник кашфиётлар орқали уйғунлаштиришга, инсоният дуч келаётган инқирозларни илм-фанга суяниш орқали ҳал этиш мумкин, деган фаразни тарғиб этувчилар ҳам топилади. Шундай фаразларни машхур футуролог, Нобель мукофоти лауреати С.Хокинг илгари суриб келган. Унинг фаразича, инсоният дуч келаётган зиддиятлар фикрлайдиган электрон қурилмалар ёки илмий техник кашфиётлар ёрадамида ҳал этилиши мумкин. “Менимча, дейди С.Хокинг, худди шу минг йилликда фикрлай оладиган, ўзидан ҳам мураккаброқ ва “ақлли”роқ электрон робот яратилишига инсоният гувоҳ бўлади. Эҳтимол, буларнинг барчаси бизнинг асримизда рўёбга чиқмас. Аммо минг йилликнинг охирларида фан ва технологияда улкан ўзгаришлар рўй бериши шубҳасиздир. Шу маънода, инсониятнинг келажаги порлоқ. Лекин минг йилдан кейин нима бўлишини тасаввур этиш қийин. Шуниси аниқки, коинот тартиботи тамоман бошқача бўлади” [3. – 138 б.]. Олимнинг фикрларидан маълум бўладики, инсоният дуч келаётган зиддиятли воқеликлар пировард натижада илмий технологик воситалар ва кашфиётлар орқали ҳал этилади.”Дарҳақиқат, ўтган асрнинг сўнгги чорагида улкан илмий технологик тараққиётга асос солинди. Шунинг натижаси ўлароқ, ҳозирги вақтда саноат корхоналарида юз минглаб роботлар ишламоқда; кўплаб соҳалар автоматлаштирилган; биотехнология фани кашфиётлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида туб бурилиш ясаши кутилмоқда; ген муҳандислиги борасида эришилган ютуқлар туфайли миллион - миллион инсонлар ҳаётига зомин бўлган ирсий касалликларни бартараф этиш имконияти туғилмоқда. Ҳолбуки, бундан атиги чорак аср илгари, ҳатто “компьютер” атамаси ҳам кўпчиликка номаълум эди. Бугунги кунда эса компьютер технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари мисол учун, 70 йилларнинг бошида ИНТЕЛСАТ йўлдош алоқаси тизими Атлантика ортидан (яъни АҚШдан) атиги 240 телефон сўзлашувини қабул қилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 120 мингдан ошади.Биргина СВІРТ халқаро молия тизими 200 минг компьютер орқали 50 мамлакатнинг икки минг банкини боғлаб тургани ҳар қандай одамни ҳайратлантириши табиий. Дунёни тўр сингари ўраб олган интернет тизими ҳақида гапирмаса ҳам бўлади” [4. – 16 б.]. Ахборотлашув ва интеграция глобаллашув жараёнларини тезлаштираётган омиллар, мамлакатлар ҳаётида рўй бераётган модернизацион ўзгаришлар асосан ушбу икки омил маҳсуллариدير. Ҳатто реал ишлаб чиқариш ва савдо сотиқ ҳам компьютерлаштириш томон силжиётгани, барча иқтисодий алоқалар ҳам технологик тизимларга солинаётгани барчага аён. “Электрон иқтисодиёт”, “электрон бошқариш”, “электрон ҳукумат”, “электрон хизмат”, “онлайн таълим” каби юзлаб атамалар бугун глобал дунёда рўй бераётган ўзгаришлардан далолат беради. Бироқ бу атамалар ҳали реал ижтимоий ва маданий ҳаётда ҳамма жойда ҳам равон кечаётган, ижобий ҳодисага айланган воқеликларни акс эттиравермайди. Шунинг учун ҳам мутахассислар, “иқтисодиётнинг глобаллашуви

умумсайёравий тараққиётни англамайди; у бир вақтнинг ўзида бир неча мутараққий қудратли давлатлар ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ўртасида зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда”, деб кўрсатишади [5. – Р. 374-375.]. П.Бергернинг ёзишига кўра эса глобализация “ҳеч нимани ваъда ҳам қилмайди, ҳеч қандай йирик хавф ҳам эмас”. Аммо у барқарор, ўлмас деб ҳисобланадиган мавжуд анъаналарни синдиради, эътиқод, қадриятлар ва турмуш тарзида кенг танлов имкониятларини туғдиради. “Буларнинг барчаси айрим олган шахсга ҳам. Бутун жамиятга ҳам ўсиб бораётган эрк томонидан ташланган даъват”. Эркинликни қадрлайдиган кишилар учун бу қадриятлар ва уларга қарши нарсалар, эътиқод ва бошқа қарашларни танлаш, плюрализм хавф уйғотмайди, улар вақти вақти билан уйғониб турадиган фанатизм билан эркинлик ўртасидаги зиддиятлардан мурса йўлини топишга интилади. “Туғилаётган глобал маданият шароитида бу ўзгаришларни қабул қилиш билан уларни агрессив инкор қилиш, глобал бир томонламалик билан провинциал торлик ўртасида қандайдир оралиқни топишга интилиш демакдир” [6. – С. 24.]. Мазкур фикрларидан келиб чиқиб, П.Бергер бугун дунё глобал маданият томон бораётганини таъкидлайди ва бу жараён:

- давос маданияти ёки халқаро бизнес маданият;
 - “Мак дунё” (Mc World) маданияти ёки глобал оммавий маданият;
 - интеллектуаллар маданияти халқаро клуби ёки жаҳон интеллектуал маданияти;
 - янги диний ҳаракатлар ёки кенг тарқалган диний маданият орқали кечади.
- Мазкур жараёнлар ўзидан ўзи эмас, бу энг муҳими, маҳаллий маданият ёки этномаданият негизида рўй беради. Демак:
- маҳаллий маданиятларни глобал маданият билан алмаштириш;
 - локал муносабатларнинг кучли таъсири остида глобал маданиятнинг инкор қилиниши каби йўналишлар устуворлик қилади [7. – С. 59.].

“Давос маданияти” деган атама яқинда пайдо бўлди. Швецариянинг Давос шаҳрида ташкил этилган Бутунжаҳон иқтисодий форуми 1971 йили нодавлат ташкилоти сифатида ташкил этилган. Унга мингта тажрибали, дунё тараққиётига хизмат қилишга интиладиган, зарур сармоялари билан ташкилотни қўллаб - қувватлайдиган кишилар, ташкилотлар аъзо. У ҳар йили дунёдаги мингта Форум қошида йирик тадбиркорлар, бизнесменлар, иқтисодий муаммолар билан шуғулланувчи мутахассислар ва менежерларни ўз йиғилишига таклиф этади. Унда давлат арбоблари, трансмиллий корпорацияларнинг раҳбарлари, минтақавий иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг лидерлари, ташаббускорлари ҳам қатнашиб келади. Форум қошида Ёш глобал лидерлар, Ижтимоий тадбиркорлик ва унинг Шваб фонди, халқаро ўсишнинг индексларини яратувчи, гендер тенглик каби глобал муаммолар бўйича тавсиялар ишлаб чиқувчи махсус бўлимлар ҳам ташкил этилган. 2018 йилги йиғилишда 300 дан зиёд секцияда глобал ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг масалалари муҳокама қилинган ва бу борада давлатларга турли тавсиялар берилган.

Хуллас, Давос Форуми дунёдаги энг йирик халқаро ташкилотлардан бири сифатида жаҳон тараққиёти ҳақида қайғурадиган, давлатлар ва бизнес марказлар учун зарур тавсиялар ишлаб чиқадиган субъектга айланган. Эркин мулоқот, фикр алмашиш,

давлат арбобларининг чиқишларини уюштириш, халқаро интеграция ва глобал ривожланиш муаммоларига ечим топишга интилиш Бутунжаҳон иқтисодий Форумини нуфузли марказга айлантирган. У ҳатто БМТ томонидан қўллаб -қувватланади, глобал тараққиёт индекслари борасидаги тавсиялари халқаро маданий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай саъйи ҳаракатлар глобаллашувни ижобий воқелик сифатида қабул қилишга ундайди. “Бизнес маданият” ғоясини тарғиб этаётган Форум нодавлат секторини, айниқса ишбилармонлик ва бизнесни халқаро мавқеини оширишга интилиб келади. Унинг асосчиси К.Шваб асли германиялик иқтисодчи, профессор. Бизнесни халқаро воқеликка айлантириш, кишиларнинг иш билан таъминлаш ва уларда тадбиркорлик хислатларини шакллантириш унинг қизиқиши бўлган. Кейинги йилларда у илмий техник тараққиёт, инновация ва цивилизацияга уларнинг таъсири масалалари бўйича бир неча китоблар нашр эттирди [8.]. Биз учун муҳим томони шундаки, Бутунжаҳон иқтисодий Форуми бизнес маданиятини глобал воқеликка айлантириб, ундаги инсон омили билан боғлиқ имкониятлардан иқтисодий, қашшоқлик, ишсизлик, тараққиётдаги тенгсизлик, хотин - қизларни бизнесга жалб этиш, кекса ва ногиронларни фойдали меҳнатга тортиш муаммоларини ҳал этишга интилмоқда.

К.Швабнинг фикрига кўра, тўртинчи саноат инқилоби инсоният ҳаётини мутлақ янги поғонага кўтаради, унда илмий техник кашфиётлар ва инновацион изланишлар устуворлик қилади. Интеллектуал меҳнатни эъзозлаш ва янгича баҳолаш, кадрлаш шаклланади. Илмий техник кашфиётлар эса маданиятнинг оммавийлашишини янада тезлаштиради. Оммавий маданият, айниқса Ғарб оммавий маданияти глобал ҳаётга таъсир этади, этномаданиятларда унинг кўринишлари пайдо бўлади. Интеграция ва глобал алоқаларнинг кенгайиши ҳар қандай воқеликни бутун дунё бўйлаб тарқалишини таъминлайди, бу таъсирдан бирорта давлат, халқ, этномаданият чеккада қололмайди. Бу ўринда Хитойдаги Ухань шаҳрида топилган ва кейин дунё бўйлаб тарқалган короновируси эслаш мумкин. Локал ҳодиса бўлиб қолиши мумкин бўлган короновирус интеграцион ва глобал алоқалар туфайли жаҳонга тарқалди, ижтимоий - иқтисодий ҳаётни танг аҳволга солиб қўйди. Мутахассислар бу ҳодисани 2008 йилги жаҳон молия инқироzi билан қиёслашга уринишади.

Иқтисод фанлари доктори, профессор А.Бемуродов ёзади: “Шу пайтгача жаҳон иқтисодиётининг охириги 75 йиллик ривожланиш даврида энг катта таҳликали воқелик сифатида биз 2008 йили бошланган глобал молиявий инқирозни эслар эдик. Ўша даврда жаҳон молиявий бозорларидаги барқарорлик анча кескин тус олганди. Хусусан, АҚШ фонд бозорларида индекслар бир кунда 83 фоизгача тушиб кетган, нефтнинг нархи 140 доллардан 30 долларга “қулаган” эди. 2020 йилда бошланган инқироз эса ўз кўлами ва шиддатига кўра янада хавфли кўриниш олиши мумкин. Бугун дунё мамлакатлари ишчилари ва хизматчиларининг 81 фоизи карантинда эканлиги фикримизга яққол далилдир” [9.]. Бундай глобал инқирозларни бошқа кўринишда яна такрорланмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шундай экан, бундай глобал ўзгаришлар нафақат иқтисодга, шунингдек, туризм, маданий гуманитар алоқалар, таълим, илмий техник тажрибалар алмашиш, тарихий-маданий мерос артефактларини асрашга хорижий инвестициялар киритиш кабиларга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бугуннинг ўзида маданий туризм индустриясига қурилган иқтисод (Туркия,

Малайзия, Болгария, Италия) катта зарар кўрмоқда. Бундай хавфли шароитда этномаданиятни, тарихий-маданий меросни асраб қолиш жиддий муаммога айланади. Масалан, 2020-2025 йилларда Хивадаги Ичан Қалъанинг ташқи қисми (Дешан Қалъа) қайта тикланиши мўлжалланган эди. Ҳозир унинг айрим бўлаклари сақланиб қолган, холос. Мазкур вазифани амалга ошириш короновирус келтирган моддий зарарлар боис тўхтаб қолди. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун А.Бекмуродов халқ билан давлат ўртасидаги алоқаларни, жипсликни янада мустаҳкамлаш зарур, деб билади. У ёзади: “Биз учун бугун глобал иқтисодий хавфга қарши умуммиллий турадиган палла келди. Яъни халқнинг давлатга беғараз кўмаклашиш жамғармалари тўғрисида, лозим бўлса, нонимизнинг ва молимизнинг бир қисмини эл - юрт манфаати, хусусан, аввало, кам таъминланган аҳоли учун улашиш тўғрисида ўйлайдиган вақт ҳозир. Зеро, бу фазилатлар асрлар давомида томирларимизда, қалбларимизда, тарихий-маданий меросимизда жўш уриб келаётган миллий ва диний қадриятларимиз билан ҳамоҳангдир. Бугун миллат, эл - юрт манфаати ва хавфсизлиги йўлида бутун халқ, ҳар бир ватанпарвар фуқаро имкон қадар давлатни моддий ва маънавий қўллаб - қувватлашини ҳаётий мажбурият деб билиш керак” [10.]. Тўғри, глобал воқеликнинг салбий таъсирини айрим олган шахс ёки нодавлат ташкилоти, сиёсий партия ҳал этолмайди, инсоннинг яшаш ҳуқуқини аввало давлат таъминлаши, кафолатлаши керак. Тарихий-маданий меросни асраш ҳам давлатнинг кенг қўллаб - қувватлашини, объектив ва субъектив омиллар боис ўтган йилларда хароба ҳолига келган, ташландиқ Ичан Қалъанинг ташқи қисми (Дешан Қалъа) ҳам давлатнинг фаол саъй ҳаракатларини тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганла, тарихий тафаккур ва тарихий билимлар узлуксиз изланишлар жараёнларидир. Жамият бир кўринишдан иккинчи кўринишга, ўз тараққиётининг янги босқичига ўтаётганида бундай изланишлар нафақат долзарблашади, шу билан бирга, мураккаблашади, зиддиятли томонлари аён бўлиб қолади. Ўтказган тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўладики, биз ҳали тарихимизни етарли билмаймиз, кўпгина нарсалар эса ўта баҳсли. Тарихий-маданий мерос жамиятда рўй бераётган ўзгаришлардан чеккада қололмайди. Бугун дунёда кечаётган глобаллашув этномаданиятлар ва тарихий-маданий меросга гоҳо салбий таъсир этаётганини кўрмаслик мумкин эмас. Ички зиддиятларга тўла глобаллашув жараёнлари тарихий-маданий меросни асраш масалаларини кун тартибига қўйган, короновирус туфайли чекланган иқтисодий ва маданий гуманитар алоқаларни тезроқ тиклаш бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг: Robertson R. Globalization. London 1992; Глобалистика. Международный междисциплинарный энциклопедический словарь. -Москва: Санкт Петербург-Нью Йорк, 2006
2. Қаранг: Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире. Под ред. П.Бергера и С.Хантингтона. -Москва: «Аспект Пресс», 2004. С.10.
3. Қаранг: Хокинг С. Суперсимметрия нима? // Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. -Тошкент: Маънавият, 2006. 138 б.
4. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. -Тошкент: Маънавият, 2006. 16 -б.

5. Қаранг: The Global Economy in Transition. -London: 1996. P.374-375.
6. Қаранг: Многоликая глобализация. Культурное разнообразие в современном мире. Под ред. П.Бергера и С.Хантингтона. -Москва: «Аспект Пресс», 2004. С.24.
7. Ўша асар. С.59.
8. Шваб К. Четвертая промышленная революция.- Москва: «Эксмо», 2018.; Шваб К. Технология четвертой промышленной революции. -Москва: «Эксмо», 2019
9. Бекмуродов А. Яна бир глобал иқтисодий инқироз эшик қоқмоқда // Халқ сўзи, 2020 10 апрель.
10. Ўша жойда.



INNOVATIVE
ACADEMY